



МУАММОЛАРИ ТАҲЛИЛИ

Сафарова Дильшода Фарруховна,

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти,
2-босқич магистранти.*

Қаршибоев Хайрулло Қиличевич,

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис
институти “Олий математика” кафедраси
мудури, ф-м.ф.н., доцент.
karshiboyev@mail.ru*

Аннотация Мақолада Ўзбекистонда тижорат соҳасида электрон тижоратнинг ўрни ва аҳамияти алоҳида таҳлил этилган, соҳанинг мазмун моҳияти, ривожланиши истиқболлари, ҳуқуқий асосари, электрон тижорат хизматлар соҳаси сафатида иқтисодиётимиздаги ўрни ва Ўзбекистонда соҳасидаги муаммолар ва унинг ечими борасидаги таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: Тижорат, хизматлар соҳаси, электрон тижорат, плейс маркет, инфратузилма, рақобатбардошлик, рақамли иқтисодиёт, экспорт, валюта, маркетинг, муаммо ва бошқалар.

Аннотация В статье анализируются роль и значение электронной коммерции в сфере коммерции Узбекистана, сущность отрасли, перспективы ее развития, правовая основа, ее место в нашей экономике как сферы услуг электронной коммерции, а также предложения по проблемам в сфере в Узбекистане и ее решения.

Ключевые слова: торговля, сфера услуг, электронная коммерция, рынок, инфраструктура, конкурентоспособность, цифровая экономика, экспорт, валюта, маркетинг, проблема и др.

Annotation The article analyzes the role and importance of e-commerce in the field of commerce in Uzbekistan, the essence of the field, its development prospects, legal basis, its place in our economy as an e-commerce service sector, and proposals regarding the problems in the field in Uzbekistan and its solutions.

Keywords: Trade, service industry, e-commerce, marketplace, infrastructure, competitiveness, digital economy, export, currency, marketing, problem, etc.

КИРИШ

Жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши сервис соҳасида ахборот-коммуникация технологияларига асосланган инновацион хизматларни, хусусан, электрон тижоратни кенгайиб боришига имкон яратмоқда. Аҳолини сонининг ўсиши, эҳтиёжларнинг кенгайиб бориши, сифатли ва қулай хизматларга бўлган талабнинг кўпайиб бораётганлиги электрон тижоратни жадал ривожланишига туртки бермоқда.



Жаҳонда айнан электрон тижоратни ривожлантиришга оид илмий изланишларга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада электрон тижорат соҳасини тартибга солиш, электрон тижорат учун энг қулай ташкилий-бошқарув тузилмасини жорий қилиш, тўлов тизими хавфсизлигини таъминлаш, электрон тижорат тизимининг ривожланиш самарадорлигини баҳолаш, мазкур соҳада инновацияларни бошқариш тизимини такомиллаштириш, чакана савдо корхоналарида электрон тижорат тизимининг шаклланиш шарт-шароитлари ва омилларини аниқлаш, Е-маркетинг каби йўналишлардаги илмий муаммоларни тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Буюк мақсадлар сари дадил қадам ташлаб янгиланаётган Ўзбекистонда жамиятнинг барча соҳалари қаторида маданият, санъат ва халқ хунармандчилиги соҳаларини янада ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Республикамизда маънавий қадриятларга ҳурмат-эҳтиром билан муносабатда бўлиш, уларни асраб-авайлаш ва ривожлантириш, миллий хунармандчиликни, урф одатларимизни, бебаҳо тарихий меросимизни тиклаш давлат сиёсати даражасига кўтарилди.

Электрон тижорат Интернет тизимида техник жиҳатдан учта асосий таркибга эга – сервер, маълумотлар базаси ва харидорга товарларни етказиб бериш тизими. Биринчи компонент ҳисобланган юқори даражадаги сифатга эга ва тезкор сервер асосийси ҳисобланади. Маълумотлар базаси йирик объектлар учун зарур бўлиб, электрон товар ва хизматларни етказиб бериш мураккаб тизимга эга логистикани талаб қилмайди .

Бизнинг фикримизча, «электрон тижорат – Интернет тармоғи ва бошқа ахборот алмашиш алоқаларидан фойдаланган ҳолда, электрон воситалар кўмаги билан амалга ошириладиган товарлар ва хизматларни сотиш ҳамда сотиб олиш жараёни. Битимни амалга ошириш натижасида товарлар ва хизматларга эгалик ҳуқуқи бир шахсдан бошқасига ўтади. Электрон тижорат электрон воситалар, электрон тўловлар тизими ва логистика тизимидан фойдаланиш асосида амалга ошириладиган маркетинг тизимлари билан узвий интеграциялашади».

Бундан ташқари, Интернетга кириш орқали очиқ электрон маълумотларга эга бўлган электрон тижоратдан фойдаланиш унинг барча иштирокчиларининг хавфсизлигини, махфийлигини ва ҳаққонийлигини таъминлашни талаб қилади. Қабул қилинган хавфсизликни таъминлаш механизмлари учинчи томон сертификатига асосланганлиги сабабли глобал электрон тижорат глобал сертификатлаштириш тизимларини талаб қилади .

Тадқиқотнинг методологияси. Тадқиқотнинг методологик асосини туризмни ривожлантириш соҳасидаги қонун ости ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек, мазкур фармон ва қарорларда белгиланган вазифаларни амалга ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар, ҳамда тегишли статистик маълумотларни йиғиш ва уларни қайта ишлашда замонавий статистик усуллар ва кузатувлар, анализ ва синтезусулларидан кенг фойдаланилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишининг илмий-методологик жиҳатларига ўзбекистонлик олимлардан Пардаев М.Қ., Пўлатов М.Э., Мухаммедов М.М., Зайналов Д.Р., Мирзаев Қ.Ж., Тухлиев И.С., Асланова Д.Х. ва бошқаларнинг илмий ишлари бағишланган.



1.1-расм. Электрон тижоратнинг таркибий элементлари⁴

Электрон тижорат кўп томонлама алоқалар билан шаклланувчи тизим элементларидан иборат бўлиб, улар қуйидагиларга таснифланади: тармоқ фойдаланувчилари, очиқ маълумотлар базаси, электрон почта, FAQ тўплами (frequently asked questions - энг кўп бериладиган саволлар тўплами), электрон каталоглар, электрон алоқа, хавфсизлик, банк карталари ёки рақамли пуллар, электрон тўловлар, электрон маҳсулотлар, ишлаб чиқариш, етказиб бериш инфратузилмаси, хизмат кўрсатиш инфратузилмаси (1.1-расм).

Глобал ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш натижасида электрон конъюктуранинг вужудга келганлиги ва ўз фаолиятида ушбу муҳитдан фойдаланадиган етарлича корхоналарни мавжудлиги республикамиз иқтисодиётининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади. Бу эса замонавий тадбиркорлик соҳасида ахборот технологиялари имкониятларидан кенг фойдаланиш учун шарт-шароит яратмоқда. Шу билан бирга, тадбиркорлик фаолиятида ушбу технологиялардан фойдаланиш тадбиркорларнинг ички ва жаҳон бозоридаги муваффақияти даражасини белгилайди.

Қанчалик ахборот технологиялари ва интернет кенгайиб боргани сари шунчалик кўп тадбиркорлик корхоналари электрон тижорат соҳасига ўтиб



боради. Ҳозирда фақат электрон тижоратга асосланган корхоналар ҳам очилмоқда, шу билан бирга одатий корхоналарда электрон тижоратни ташкил этиш ҳам кўпаймоқда. Натижада савдонинг бу тури анъанвий савдо билан шуғулланаётганларни ортда қолдиради. Бу бевосита тадрижий ривожланиш ҳисобланади.

Ўзбекистон иқтисодиётида электрон тижоратни ривожланиши тенденциясининг асосини кўрадиган бўлсак, чет эл давлатлари тажрибаларини умумлаштириш ва ундан мамлакат равнақи йўлида фойдаланиш ҳамда уни ривожлантириш бўйича йўриқномалар ишлаб чиқиш жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ушбу соҳада изланиш олиб бориш бугунги куннинг ўта муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

АҚШдаги интернет провайдерлардан бири, Интерланд (Interland) томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, америкалик кичик бизнес тадбиркорларининг 56 фоизи уларнинг йиллик сотувларининг маълум бир қисми айнан электрон тижорат мавжудлиги учун амалга ошишига ишонишади. Компаниянинг 260 та миждози текширилди, улардан 42 %и ўн йилдан кўпроқ вақт давомида ўз тадбиркорлик фаолиятини юритади, 76 %и эса тадбиркорлик фаолиятида 3-9 йил давомида Интернетдан фойдаланган. Истеъмолчиларнинг орасида ўтказилган сўров натижалари шуни кўрсатадики, 23% сотувчилар йиллик савдонинг 1% дан 10% гача қисмини электрон тижоратдан олган деб ҳисобласа, 12% сотувчилар эса 76% дан 100% гача бўлган савдо тушуми электрон тижоратдан келади деб ҳисоблашади.

Умуман олганда, сўровда иштирок этганларнинг 78%и веб-сайтлардаги компания сайтидан фойдаланишлари мумкинлигини таъкидладилар. Хусусан, респондентларнинг ярми компаниянинг веб-сайти миждозларнинг ишончини оширади деб ҳисоблайди ва 33%и веб-сайт уларнинг энг кучли маркетинг воситаси деб ҳисоблайди.

Дунёдаги энг катта электрон чакана тижорат корхоналари – Amazon.com, Alibaba.com ва eBay савдо майдончаларида амалга оширилмоқда, уларнинг 2018 йилга тушуми 232,89 млрд, 39,9 млрд, ва 10,8 млрд АҚШ долларини ташкил этди. 2019 йилга келиб, Амазон АҚШнинг электрон тижорат бозорининг 50 фоизини эгаллади. Хитойда 30% озиқ-овқат маҳсулоти электрон тижорат орқали сотилади, электрон тижоратнинг 80 % атрофидаги улуши Alibaba.com орқали амалга оширилмоқда.

Жаҳонда электрон тижоратнинг ўсиш тенденциясига эътибор қаратсак, электрон тижоратда чакана савдо ҳажми 2020 йилда 3932,4 млрд. АҚШ долларини ташкил этган ҳолда, бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 2,1 мартага ўсган. Ушбу кўрсаткич 2024 йилга бориб, 6065,9 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда.

Европа мамлакатларида электрон тижорат ҳажмининг ўсиш тенденциясига эътиборимизни қаратсак, электрон тижорат бозори ҳажми 2017 йилда 25 млрд.



АҚШ долларини, 2021 йилнинг сентябрига қадар эса 42 млрд. АҚШ долларини ташкил этмоқда. Шундан, 2021 йилнинг сентябрь ҳолатига, персонал компьютер орқали амалга ошириладиган тижорат ҳажми 27 млрд. АҚШ долларини, мобил қурилма орқали амалга ошириладиган савдо ҳажми 15 млрд. АҚШ долларини ташкил этган

Россияда электрон тижорат бозори ҳам тез ўсиб бормоқда. 2018 йилда Россия, АҚШ, Хитой ва Буюк Британиялардан сўнг, ўсиш ва электрон тижорат ҳажми бўйича дунёда тўртинчи ўринни эгаллади. East-West Digital News халқаро ахборот агентлиги маълумотларига кўра, 2018 йилда Россия электрон тижоратига қилинган умумий инвестиция миқдори 756 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2020-йилда барча тармоқларга қараганда энг катта ўсиш электрон тижорат сегменти томонидан кўрсатилди, бу 2019 йилга нисбатан 16 %га ортиқ деганидир.

Таҳлил ва натижалар. Халқаро тажрибани ўрганиш натижасида, Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантириш учун амалга ошириладиган вазифаларни икки қисмга ажратиш олиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

1. Бугунги кунда Ўзбекистонда электрон тижоратни ривожлантиришга йўналтирилган вазифалар. Ушбу вазифаларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

① логистика ва тезкор етказиб бериш тизимларини ривожлантириш

② алоқа хизматлари сифатини яхшилаш ва қамраб олиш даражасини кенгайтириш.

③ тўлов тизимларини кенгайтириш. PayPal каби халқаро тўлов тизимларига қўшилиш

④ онлайн дўконларда овозли қидирув функциясини жорий этиш.

2. Электрон тижоратни ривожланиши натижасида Ўзбекистонда вужудга келиши мумкин бўлган муаммоларни олдини олиш мақсадида ҳозирдан шакллантириб бориши зарур бўлган вазифаларга қуйидагиларни киргизишимиз мумкин:

① биринчи навбатда аҳолининг реал даромадларини барча минтақаларда бир хил ўсишини таъминлаш, логистика бўйича катта ҳамда кичик корхоналарни кўпроқ очилишини таъминлаш, барча минтақаларни тўлиқ алоқа хизматлари билан қамраб олиш;

② тизим устидан қонуний назорат муаммоси, электрон тижорат ривожланган мамлакатларда бу муаммо аллақачон вужудга келган.

③ маҳсулот сифати муаммолари, Интернет тармоғида сотувчи ҳам, харидор ҳам аноним бўлганлиги ва маҳсулотни бевосита кўрмаслиги туфайли маҳсулотларнинг реал сифати Интернет тармоғида кўрсатилганидан фарқ қилиши мумкин.

Шу билан бирга, ҳозирги вақтда республикамиз товар бозорлари учун бозор муносабатлари маданиятининг паст даражада эканлиги, меъёрий-ҳуқуқий



таъминотнинг такомиллашмаганлиги, товар бозорлари ахборот таркибининг етарли даражада ривожланмаганлиги, иқтисодиётнинг юқори даражада монополлашуви, молиявий ва кредит тизими муносабатларининг такомиллашмаганлиги билан тавсифланади.

Йиллар	У, Электрон тижорат ҳажми, млн. АҚШ долл.	X ₁ , Чакана савдо айланмаси, млрд. АҚШ долл.	X ₂ , Электрон тижоратни чакана савдо айланмасидаги улуши, %	X ₃ , Аҳолиси сони, млн. Киши	X ₄ , Интернетдан фойдаланувчилар сони, млн. Киши
2016	0,72	10,54	0,007	31,58	12,1
2017	1,41	12,23	0,012	32,12	14,7
2018	4,54	14,79	0,031	32,66	20
2019	28,98	17,48	0,166	33,26	19
2020	100,25	19,48	0,515	33,91	20,5
2021	125,2	21,12	0,625	34,1	23,9
2022	137,1	24,1	0,727	34,6	26,2

1-жадвал. Электрон тижорат соҳасини таҳлил этишида иштирок этувчи омиллар статистикаси.

	У, Электрон тижорат ҳажми, млн. АҚШ долл.	X ₁ , Чакана савдо айланмаси, млрд. АҚШ долл.	X ₂ , Электрон тижоратни чакана савдо айланмасидаги улуши, %	X ₃ , Аҳолиси сони, млн. Киши	X ₄ , Интернетдан фойдаланувчилар сони, млн. Киши
У, Электрон тижорат ҳажми, млн. АҚШ долл.	1				
X ₁ , Чакана савдо айланмаси, млрд. АҚШ долл.	0,936186	1			
X ₂ , Электрон тижоратни чакана савдо айланмасидаги улуши, %	0,999151	0,944646	1		
X ₃ , Аҳолиси сони, млн. Киши	0,934317	0,994649	0,940861	1	
X ₄ , Интернетдан фойдаланувчилар сони, млн. Киши	0,858634	0,959817	0,865689	0,951511	1

2-жадвал. Корреляцион жадвал. Муаллифнинг қайта ишлаган маълумоти.

2-жадвалда келтирилган корреляция коэффициентларидан кўриш мумкинки, омилларнинг орасидаги боғланиш тўғри ва зич.



ВЫВОД ИТОГОВ							
Регрессионная статистика							
Множественный R	0,999717056						
R-квадрат	0,999434193						
Нормированный R-квадрат	0,998302578						
Стандартная ошибка	2,535967502						
Наблюдения	7						
Дисперсионный анализ							
	<i>df</i>	<i>SS</i>	<i>MS</i>	<i>F</i>	<i>Значимость F</i>		
Регрессия	4	22719,71731	5679,929327	883,1928902	0,001131295		
Остаток	2	12,86226235	6,431131173				
Итого	6	22732,57957					

	Коэффициенты	Стандартная ошибка	t-статистика	P-Значение	Нижние 95%	Верхние 95%	Нижние 95,0%	Верхние 95,0%
Y-пересечение	-289,8854538	267,24255	-1,0847279	0,39139266	-1439,7373	859,966442	-1439,7373	859,966442
X1, Чакана савдо айланмаси млрд. АКШ долл.	-4,313307648	2,50304668	-1,7232230	0,22698976	-15,083048	6,45643300	-15,083048	6,45643300
X2, Электрон тижоратни чакана савдо айланмасидаги улуши, %	213,3699531	11,2086601	19,0361693	0,00274819	165,142980	261,596925	165,142980	261,596925
X3, Аҳолиси сони, млн. Киши	10,26148906	9,10539262	1,12696832	0,37679058	-28,915853	49,4388314	-28,915853	49,4388314
X4, Интернетдан фойдаланувчилар сони, млн. Киши	0,853360839	0,84692383	1,00760044	0,41973541	-2,7906583	4,49737999	-2,7906583	4,49737999

3-жадвал. Регрессион жадвал, муаллифнинг қайта ишлаган маълумоти.

3-жадвалга асосан регрессия тенгламаси қуйидагича аниқланади:

$$y = -289,8854538 - 4,313307648 \cdot x_1 + 213,3699531 \cdot x_2 + 10,26148906 \cdot x_3 + 0,853360839 \cdot x_4$$

Иқтисодийнинг инновацион ривожланиши шароитида электрон тижорат ривожланишининг асосий йўналишларини тадқиқ этиш жараёнида электрон тижорат тизими ривожланишини баҳолаш босқичлари ва мақсадлари, тижорат корхонасининг электрон тижорат тизими самарадорлигини баҳолаш ва электрон тижоратда инновацияларни бошқариш тизимини такомиллаштириш каби масалалар ўрганилди ҳамда бир қанча илмий-назарий ва амалий хулосаларга келинди:

Савдо тизимида замонавий техник ва ахборот воситаларига асосланган йўналиш сифатида «электрон тижорат» категориясининг ижтимоий ва иқтисодий мазмунига оид муаллифлик таърифи ишлаб чиқилди. Электрон тижорат – бу глобал Интернет тармоғи ва бошқа ахборот алоқаларидан



фойдаланган ҳолда, электрон воситалар кўмаги билан амалга ошириладиган товарлар ва хизматларни сотиш ва сотиб олиш жараёнидаги тадбиркорлик фаолиятидир. Битимни амалга ошириш натижасида товарлар ва хизматларга эгалик ҳуқуқи бир шахсдан бошқасига ўтади. Бунда электрон битим реал вақт тартиби асосида амалга оширилади. Электрон тижорат электрон воситалар, электрон тўловлар тизими ва логистика тизимидан фойдаланиш асосида амалга ошириладиган маркетинг тизимлари билан узвий интеграциялашади.

Кўп томонлама алоқалар билан шаклланивчи маълумотларни электрон алмашиш, хавфизликни таъминлаш, электрон тижорат инфратузилмасини ривожлантириш ҳамда электрон каталоглар ва тўловлар тизимини жорий этиш асосида электрон тижоратнинг таркибий элементлари таснифи ишлаб чиқилди. Дунёдаги электрон тижорат бозорини учта асосий, АҚШ, Европа ва Хитой континентларга бўлиб ўрганилди ва электрон тижорат бозорларининг ривожланиш тенденциялари таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида, континентлардаги электрон тижорат бозорининг ўзгаришларига таъсир этувчи ўзига хос хусусиятлар аниқланди. Ўзбекистонда мавжуд ҳолатдан келиб чиқиб, электрон тижоратни ривожлантиришга таъсир этувчи омиллар бщйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Электрон тижоратни шаклланишининг генетик модели консесусидан келиб чиқиб, бизнес жараёнидаги унинг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиб, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёни билан электрон тижорат тизимини интеграциялашишини амалга ошириш тизими ишлаб чиқилди. Дунёдаги электрон тижорат ривожланган давлатларнинг чакана товар айланишидаги электрон тижорат улуши ва уларнинг ўзгариш тенденцияси билан Ўзбекистондаги электрон тижоратнинг чакана товар айланишидаги улуши қиёсий таҳлили амалга оширилди.

Кичик тижорат корхоналарида электрон тижорат тизимининг асосий мақсад ва вазифаларини аниқлаш, таҳлил этиш, лойиҳалаштириш, синовдан ўтказиш, жорий этиш ҳамда ривожлантириш босқичларини шакллантириш асосида электрон тижорат тизими шаклланишининг концептуал модели таклиф этилди. Электрон тижорат тизими шаклланишига сарфланган инвестициялар самарадорлиги, тизимни лойиҳалаштириш самарадорлиги ҳамда иқтисодий самарадорликни ифодаловчи кўрсаткичлар таснифини шакллантириш асосида корхоналарнинг электрон тижорат тизимлари самарадорлигини баҳолаш усули такомиллаштирилди. Электрон тижорат ривожланишига таъсир кўрсатувчи бевосита ва билвосита, бозор конъюнктураси билан боғлиқ ҳамда электрон тижоратнинг ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллар таснифи ишлаб чиқилган. Электрон тижоратни турига қараб амалга ошириш мақсадларига асосланган ҳолда, унинг вазифаларини аниқлаш, бизнес турини танлаш, ташкилий масалаларни ҳал этиш ҳамда иқтисодий самарадорликни аниқлашга



Йўналтирилган электрон тижорат тизимларини қўллашнинг турли жиҳатларини баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилди.

Интернет дўконларда аутсорсингни амалга ошириш, фаолиятни аралаш бизнес-моделга ўтказиш, ягона савдо майдончасини яратиш, дастурий таъминот тўпламини ишлаб чиқиш ҳамда виртуал дуконлар базасида ҳамкорликни ривожлантиришга йўналтирилган корхоналарнинг онлайн дўконлар логистикасига хизмат кўрсатиш стратегияси ишлаб чиқилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –Т.: Ўзбекистон, 2014 -46 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон рақамли имзо тўғрисида»ги №562-II-сонли қонуни. – Т: 11.12.2003.
3. Ўзбекистон Республикасининг «Электрон тижорат тўғрисида»ги №613-II сонли қонуни. – Т: 21.05.2004.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Электрон тижоратни жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 майдаги ПҚ-3724-сонли қарори»га қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги №ПФ-5476 сонли фармони. – Т: 14.07.2018.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ««Рақамли Ўзбекистон - 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6079 сонли фармони. – Т: 10.05.2020.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ««Электрон тижорат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» 2015 йил 22 майдаги ЎРҚ-385-сон Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №259 сонли қарори. – Т: 14.09.2015.
8. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Электрон тижоратда битимларни амалга ошириш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги №185 сонли қарори. – Т: 13.06.2016.
9. Ансофф И., Новая корпоративная стратегия. Учебник для студентов. СПб.: Питер Ком. 1999. — 416 с.
10. Аоки М. Фирма в японской экономике. Информация, стимулирование и заключение сделок в японской экономике [Текст] / М. Аоки: пер. с англ. - СПб., 1995. 314-315 с.
11. Cooper R.G.Maximizing Productivity in Product Innovation / R.G.Cooper, S.J.Edgett // Research Technology Management. - 2008. - March-April. - P. 47-58.
12. Motley Fool – Виржиния штатининг Александрия шаҳрида жойлашган хусусий молиявий ва инвестициялар бўйича маслаҳат компанияси. <https://www.fool.com>



13. marketer.ua – маркетинг, бизнес, стартап ва тадбиркорлар учун технологиялар тўғрисидаги онлайн нашр. <https://marketer.ua>

14. Amazon grabs 44% of U.S. e-commerce sales in 2019 [Электронный ресурс]. – Электрон. дан. – Режим доступа: <https://www.chainstoreage.com/technology/amazon-grabs-44-u-s-e-commerce-sales-2017>.

15. Ўзбекистон Республикаси Статистика қумитасидан 2021 йил 2 мартда № 01/2-02-17/2-81 жавоб хати орқали олинган маълумотлардан фойдаланилган.